



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING
BUYRUG‘I

2021 yil “12” 10

№ 246

Toshkent sh.

Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бўйича ихтисослаштирилган аттестация комиссияларининг ишларини ташкиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2021 йил 9 октябрда 2649-6-сон билан рўйхатга олинган Соғлиқни сақлаш вазирининг 2021 йил 8 октябрдаги “Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низом”га киритилган ўзгартиришларга кўра, тиббиёт ва фармацевтика ходимларига малака тоифаси бериш учун аттестациядан ўтказиш бўйича апелляция ва ихтисослаштирилган аттестация комиссиялари фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2021 йил 9 октябрда 2649-6-сон билан рўйхатга олинган “Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низом” раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси (кейинги ўринларда – Палата) раиси Р.Изамов:

Палата ва унинг ҳудудий бўлинмалари ҳузуридаги ихтисослаштирилган аттестация комиссиялари таркибини;

Палата ва унинг ҳудудий бўлинмалари ҳузуридаги тиббиёт ва фармацевтика ходимларига малака тоифасини бериш бўйича ихтисослаштирилган аттестация комиссияларининг 2021 йил йиғилиши муддатларини уч кунлик муддатда тасдиқланишини;


Палата ва унинг ҳудудий бўлинмалари ҳузуридаги ихтисослаштирилган аттестация комиссиялари томонидан аттестациядан ўтган тиббиёт ва фармацевтика ходимларига малака тоифаси берилганлиги тўғрисидаги

маълумотларни ҳамда 2021 йил йиғилиши муддатларини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий веб-сайти ва тизимидаги оммавий ахборот воситаларида эълон қилинишини;

Тиббиёт ва фармацевтларни малака тоифаси бериш бўйича ихтисослаштирилган аттестация комиссияларининг иш фаолиятини янги тасдиқланган таркибда амалга оширилишини таъминласин.

3. Мазкур буйруқ ижросининг назорати Палата раисининг биринчи ўринбосари Б.Хажиханов зиммасига юклатилсин.

Вазир

A handwritten signature in blue ink, consisting of a series of loops and a long horizontal stroke extending to the right.

А.Хаджибаев